

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Қиличев Хайрулла Маматович</b> ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li</b> ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
<b>3. Ходжаев Бахшилло Камолович</b> ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
<b>4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
<b>5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
<b>6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна</b> ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
<b>7. Имомназаров Алишер Хасанович</b> КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
<b>8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна</b> ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
<b>9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович</b> ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
<b>10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович</b> “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
<b>11. Баракаев Лазизжон Отақулович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
<b>12. Турсунова Маликахон Улуғбековна</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




**Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,**  
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

**Мамазова Зарифа Курбановна,**  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси катта ўқитувчиси  
E-mail:z.mamazova@gmail.com

## ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Kurbanov Marufjon Mamadaminovich, Mamazaova Zarifa Kurbanovna. ISSUES OF QUALIFYING AN ACT ACCORDING TO THE SUBJECT OF CRIME IN COMPETITION WITH LEGAL NORMS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.68-77

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113963>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан ҳуқуқий нормалар рақобатида жиноят субъектига кўра қилмишни квалификация қилиш масалаларига оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, муаллифнинг таъкидлашича, Маълумки, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш, шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жиноий жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун қонуннинг қайси нормаси бузилганлигини, қилмишда қандай жиноят таркиби белгилари борлигини аниқ кўрсатиш лозим. Мазкур вазифа жиноятларни квалификация қилиш воситасида бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 488-моддасида Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланиши ҳолатлари кўрсатилган бўлиб, ўз навбатида бу ҳолатлар ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади. Шундай қилиб, квалификация асосли, қонуний, тўғри ва тўлиқ бўлиши лозим. Чунки квалификация жиноят ҳуқуқида қонунийликнинг асосий элементи ҳисобланади, бир жиноятни бошқа жиноятлардан фарқлаш имконини беради, қилмишни жиноят деб топишга, жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий ва процессуал оқибатларини аниқлаш ва адолатли жазо тайинлашга асос бўлади. Қилмиш тўғри квалификация қилинмас экан, қонунийлик, одиллик ва айб учун жавобгарлик принциплари бузилади. Шу сабабли қонунни қўллаш жараёнида жиноят қонунчилиги талабларига аниқ риоя қилиш ва қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо беришига адолатли жавобгарликни таъминлашга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** жиноий қилмиш, жазо, квалификация, нормалар рақобати, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги.

**Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,**  
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

**Мамазова Зарифа Курбановна,**

Старший преподаватель Международного  
исламского академии Узбекистана

E-mail:z.mamazova@gmail.com

## ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ДЕЯНИЯ ПО ПРИЗНАКУ СУБЪЕКТА СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ В СООТВЕТСТВИИ С ПРАВОВЫМИ НОРМАМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье излагаются некоторые соображения автора по вопросам квалификации деяния в соответствии с предметом преступления в соответствии с правовыми нормами. Также автор отмечает, что, как известно, совершение деяния, в котором присутствуют все признаки состава преступления, становится основанием для привлечения лица к ответственности. Поэтому для того, чтобы привлечь лицо к уголовной ответственности и применить к нему уголовное наказание или иную меру правового воздействия, необходимо четко указать, какая норма закона нарушена, какие признаки состава преступления содержатся в деянии. Эта задача решается с помощью квалификации преступлений. Статья 488 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан предусматривает случаи ненадлежащего применения норм Уголовного кодекса, которые, в свою очередь, являются основанием для отмены или изменения приговора. Таким образом, квалификация должна быть обоснованной, законной, правильной и полной. Поскольку квалификация является основополагающим элементом законности в уголовном праве, она позволяет отличить одно преступление от другого, становится основанием для признания деяния преступлением, определения уголовно-правовых и процессуальных последствий преступления и назначения справедливого наказания. До тех пор, пока деяние не квалифицировано должным образом, нарушаются принципы законности, справедливости и ответственности за вину. По этой причине оно служит обеспечению справедливой ответственности только в процессе применения закона, точного следования требованиям уголовного законодательства и дачи правильной правовой оценки деянию.

**Ключевые слова:** преступное деяние, наказание, квалификация, конкуренция норм, справедливость, ответственность за вину, неотвратимость ответственности.

**Kurbanov Marufjon Mamadaminovich,**

Doctor of philosophy in Law (PhD)

E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

**Mamazaova Zarifa Kurbanovna,**

Senior Lecturer of International  
Islamic Academy of Uzbekistan

E-mail:z.mamazova@gmail.com

## ISSUES OF QUALIFYING AN ACT ACCORDING TO THE SUBJECT OF CRIME IN COMPETITION WITH LEGAL NORMS

### ANNOTATION

The article describes some considerations by the author on the issues of qualifying an act according to the subject of the crime in competition with legal norms. Also, the author notes that, as you know, committing an act in which all the signs of the content of the crime are present, becomes the basis for bringing the individual to justice. Therefore, in order to criminalize a person and apply a criminal punishment or other measure of legal influence on him, it is necessary to clearly indicate which norm of the law is violated, what signs of the composition of the crime are in the act. This task is performed by means of qualifying for crimes. Article 488 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan provides for cases of improper application of the norms of the Criminal Code, which in

turn form the basis for canceling or changing the sentence. Thus, qualification must be justified, legal, correct and complete. Because qualification is a fundamental element of legality in criminal law, it makes it possible to distinguish one crime from another, it becomes the basis for making an act a crime, determining the criminal-legal and procedural consequences of a crime, and prescribing a fair punishment. As long as the act is not properly qualified, the principles of legality, justice and responsibility for guilt are violated. For this reason, it serves to ensure fair liability only in the process of applying the law, precisely following the requirements of criminal law and giving the correct legal assessment of the act.

**Keywords:** criminal act, punishment, qualification, competition of norms, justice, responsibility for guilt, inevitability of responsibility.

Маълумки, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш, шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жиноий жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун қонуннинг қайси нормаси бузилганлигини, қилмишда қандай жиноят таркиби белгилари борлигини аниқ кўрсатиш лозим. Мазкур вазифа жиноятларни квалификация қилиш воситасида бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 488-моддасида Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланиши ҳолатлари кўрсатилган бўлиб, ўз навбатида бу ҳолатлар ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади. Шундай қилиб, квалификация асосли, қонуний, тўғри ва тўлиқ бўлиши лозим. Чунки квалификация жиноят ҳуқуқида қонунийликнинг асосий элементи ҳисобланади, бир жиноятни бошқа жиноятлардан фарқлаш имконини беради, қилмишни жиноят деб топишга, жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий ва процессуал оқибатларини аниқлаш ва адолатли жазо тайинлашга асос бўлади. Қилмиш тўғри квалификация қилинмас экан, қонунийлик, одиллик ва айб учун жавобгарлик принциплари бузилади. Шу сабабли қонунни қўллаш жараёнида жиноят қонунчилиги талабларига аниқ риоя қилиш ва қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо беришига адолатли жавобгарликни таъминлашга хизмат қилади.

С.С.Найимов жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати деганда “қилмишда бир жиноят-ҳуқуқий муносабатни тартибга соладиган, бир-бирига зид бўлмаган, тенг юридик кучга эга бўлган, тартибга солиш қўлами ёки мазмуни билан фарқланадиган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг аломатлари мавжудлиги бўлиб, унда битта нормага устунлик берилишини” [1] тушунади.

А.А.Герцензон жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати деганда “қилмиш учун бир хил жавобгарликни назарда тутувчи икки ёки бир неча жиноят қонунларининг мавжудлиги”ни тушунади [2].

Р.Кабуловнинг ёзишича “жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати тушунчаси ўзида, шахс томонидан битта жиноят содир этилишини аммо шу билан бирга бир вақтнинг ўзида шахс томонидан содир этилган жиноятларнинг белгилари жиноят қонуни Махсус қисмининг жиноий-ҳуқуқий нормаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг белгиларида акс этишини англатади” [3].

А.К.Иркаходжаев ва У.Ш.Холикуловлар нормалар рақобатидан шуни тушунтирадики, бир жиноий ҳаракатда бир вақтнинг ўзида ЖКнинг икки ёки ундан ортиқ мустақил нормалари ёхуд бир норманинг бошқа бошқа қисмлари белгилари ўзида мужассамлаштирилган бўлади [4].

В.П.Малковнинг фикрича эса, жиноят ҳуқуқида нормалар рақобати деганда шундай ҳолатни тушуниш керакки, “жиноий қилмишни квалификация қилишда берилган конкрет ҳолатга қўллаш учун ўз мазмунига кўра мос келган ёки фарқланадиган, кўрилаётган масалани бир хил ёки ҳар хил кўламда тартибга солишга қаратилган икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормалар даъвогарлик қилади, қонунни қўлловчи орган эса берилган нормалардан қайси бири бошқаларига қараганда устун эканлигини ҳал қилиши зарур” [5].

В.Н.Кудрявцев: “Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати замирида шундай ҳолат тушуниладики, бунда (жиноятлар мажмуи, тақроран ва рецидив жиноят содир этишдан

фаркли равишда) содир этилган битта жиноят икки ёки ундан ортиқ жиноят-хуқуқий нормалар аломатларига тўғри келади” [6], деган таърифни беради.

В.И.Пинчук эса ушбу масалага қуйидагича муносабат билдиради: “Жиноят-хуқуқий нормалар рақобати деганда шундай ҳолат тушуниладики, бунда битта жиноят ЖК Махсус қисмининг бир неча моддалари билан қамраб олинса-да, лекин квалификация учун улардан фақат биттаси, яъни берилган жиноят таркибининг барча аломатларини ўзида ифодалаган модда қўлланилади” [7].

Кўриб турганимиздек, юридик адабиётда жиноят-хуқуқий нормалар рақобатининг табиати ҳақида ягона фикр йўқ, қолаверса, муаллифларнинг келтирилган фикрлари таҳлил қилинаётган институтнинг айрим хусусиятларини назарда тутмоқда холос.

А.К.Ирқаходжаев, У.Ш.Холикуловлар ва С.Найимовларнинг нормалар рақобатига берган таърифи тўғрилигини таъкидлаган ҳолда, ушбу таъриф фақатгина Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари ва моддаси қисмлари ўртасидаги рақобатни кўрсатиш билан чегараланганлигини ҳам айтиш жоиз.

С.Найимовнинг асарларида жиноят хуқуқий нормалар рақобати “нормалар коллизияси” атамаси билан ўхшаш тушунчалар сифатида ҳам таҳлил қилинади [8]. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қонунни аниқ қўллашда, мавжуд бўлган икки ёки ундан ортиқ нормалардан бирини тўғри танлаш, ушбу икки институтга оид қоидаларни қўллашнинг натижаси бўлиб келади. Шунинг учун рақобат ва коллизиянинг нисбати мунозарали бўлиб келмоқда. Жиноят-хуқуқий нормалар рақобати ва коллизия бир-бирига яқин тушунчалар бўлганлиги сабабли уларнинг муносабати, ўхшаш ва фаркли томонларини таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Т.Э.Караев ушбу институтлар ҳақида ёзиб, “Улар битта фактик муносабатни тартибга солувчи бир неча нормалар орасидан биттасини танлаб олишга қаратилган хуқуқий муаммони англатадиган ҳар хил атамалардир. Коллизияда бўлган нормалар рақобати ва рақобатда бўлган коллизиялар ҳақида бир хил даражада гапириш мумкин”, - дейди [9]. Яъни у нормалар рақобати ва нормалар коллизиясига бир хил тушунча сифатида баҳо беради. Л.В.Иногамова жиноят хуқуқида нормалар рақобати тушунчасидан фарқ қиладиган нормалар коллизиясининг умумий тушунчаси йўқ ва бундай фарқ бўлмаслиги ҳам керак деган хулосага келади. С.Найимов бу фикрга эътироз билдиради. У жиноятнинг асосий таркиби билан оғирлаштирувчи таркиби ўртасидаги рақобатда оғирлаштирувчи нормага устунлик берилса-да, бу жиноятнинг асосий таркибини тўла маънода инкор қилиш деган хулосани бермаслигини айтади.

Юридик адабиётда нормалар рақобати ва коллизиянинг нисбати масаласида уларни бир-бирига бўйсунмайдиган мустақил институтлар сифатида ўрганиш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд [10].

Юридик атамалар ва иборалар луғатида коллизияга қарама-қаршилик, бир-бирига зидлик деб, қонунлар коллизияси атамасига эса қонунларнинг бир-бирига зидлиги сифатида таъриф берилган [11].

Юридик энциклопедияда эса коллизия нормага қуйидагича таъриф берадилар: “Коллизия (бир-бирига зид келувчи) норма-ҳалқаро хусусият касб этувчи фуқаролик, оила, меҳнат муносабатларига нисбатан қайси давлат хуқуқи ёки ички давлат юридик низоларида қандай норматив ҳужжат қўлланиши лозимлигини кўрсатиб берувчи норма” дир. Шунингдек, муаллифларнинг фикрича коллизия хуқуқ турли давлатлар қонунлари ёки бир давлатнинг норматив ҳужжатлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этувчи нормалар йиғиндиси дир [12].

Келтирилган фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қиладиган бўлсак, нормалар рақобати ва нормалар коллизиясининг битта умумий белгиси борлигини кўрамиз. Бу институтларни бирлаштирадиган умумий белги шундаки, рақобат ва коллизия қонунда битта ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган икки ёки ундан ортиқ норма бўлганда мавжуд бўлади.

Шу билан бирга, ҳуқуқ назариясида нормалар коллизиясининг ўзига хос бўлган белгиси, яъни унинг нормалар ўртасидаги қарама-қаршилик натижасида вужудга келиши кўрсатилади. Нормаларнинг бир-бирига зидлиги коллизияни рақобатдан фарқлайдиган асосий ва аҳамиятли белгидир. Жиноят ҳуқуқидаги коллизия ҳам ҳар доим нормалар ўртасидаги қарама-қаршилик натижасидир. Бу қарама-қаршилик жиноят қонунчилиги нормалари, жиноят қонунчилиги ва бошқа соҳа қонунчилиги нормалари, эски ва янги қонун нормалари ва ҳоказолар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин.

Бу институтлар орасидаги фарқлардан яна бири шундаки, жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати мавҳум (абстракт) эмас, яъни у коллизиядан фарқли равишда ўз-ўзидан мавжуд бўлавермайди. Нормалар рақобати қонунни қўлловчи шахс ихтиёрида реал иш ҳолати бўлиб, шу ҳолатни тартибга соладиган нормалардан бирини қўллаётган вақтда пайдо бўлади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97 ва 98-моддаларини бирор аниқ иш ҳолатисиз таҳлил қилиб солиштирадиган бўлсак, улар орасида ҳеч қандай муаммоли муносабатни кузатмаймиз ва олдимизда нормалардан қайси бирини қўллаш лозим деган савол пайдо бўлмайди. Лекин шахснинг қилмишида ҳам қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари, ҳам кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари мавжуд бўлса нормалардан қайси бири қўлланиши лозим деган савол туғилади. Ўз навбатида қасддан одам ўлдирган шахснинг ҳаракатларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати бўлмаса ҳам ҳеч қандай рақобат мавжуд бўлмайди. Нормалар коллизияси эса мавҳум бўлиб, бирор-бир конкрет жиноят иши ҳолатига мурожаат қилинмаса ҳам ўз-ўзидан мавжуд бўлаверади.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, биз нормалар рақобати ва коллизиянинг нисбати масаласида уларни бир-бирига бўйсунмайдиган мустақил институтлар сифатида ўрганиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилаемиз. Қўшимча қилиб шуни таъкидлаш керакки, рақобат ва коллизия орасидаги муносабатни тўғри аниқлаш қонунни қўллаш амалиётининг муҳим шarti ҳисобланади. Бу масаланинг амалий аҳамияти шундаки, қонунни қўлловчи биринчи навбатда кўрсатилган муаммоларнинг қайси бири билан тўқнашганлигини аниқ билиши керак.

Амалиётда нормалар рақобатини қўллашнинг мураккаблиги шу билан шартланадики, одатда, мазкур институт жиноятларнинг идеал мажмуи билан кўпроқ ўхшаш хусусиятларга эга бўлади. Рақобатда ҳам, жиноятларнинг идеал мажмуида ҳам шахс битта қилмишни содир қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ушбу қилмишни квалификация қилишга Жиноят кодекси махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаси талабгор бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида жиноятларнинг идеал жами деганда шахснинг бир ҳаракати туфайли ЖК Махсус қисмининг камида иккита моддаси билан кўрикланадиган объектга тажовуз қилиш тушунилади. Жиноятларнинг идеал жамини жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатидан фарқлаш лозим. Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати шундан иборатки, махсус субъект томонидан содир этилган қилмишда бир хил ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг аломатлари мавжуд бўлади. Умумий ва махсус нормалар рақобатга киришганида, махсус норма қўлланади. Умумий ва махсус нормаларнинг идеал жами бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) умумий норма ҳисобланади. Ундан ажратилган махсус нормалар жумласига қуйидаги моддаларда назарда тутилган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг муайян турлари киради: 146-модда (сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш); 148-модда (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш); 209-модда (мансаб сохтакорлиги); 210-модда (пора олиш); 230-модда (айбсиз кишини жавобгарликка ториш); 234-модда (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳисобга олиш) ва х.к. Мазкур рўйхат тўлиқ эмас, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 40 тага яқин шундай махсус нормалар мавжуд. Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг таркибини оладиган бўлсак, у умумий норма сифатида турдош ҳодисалар гуруҳини тартибга

солади, яъни мансабдор шахс томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатини жиноий суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларни қамраб олади. Махсус нормалар тушунчаларнинг тўланиши мантиқий қонунга мувофиқ ажратилади. Махсус норманинг объектив томони умумий норманинг объектив томони қисман акс эттирилади ва унинг амалдаги аломатлари муайянлаштирилади. Махсус нормалар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг муайян турини тўлиқроқ тавсифлайди, унинг ижтимоий хавфлилигини муфассал таърифлайди, бинобарин, ўзига хос жазо тури ва миқдорига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга ҳам умумий, ҳам махсус нормаларнинг аломатлари мос келган ҳолларда, фақат махсус норма қўлланади, зеро, у содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг муайян турини, бинобарин, унинг учун жазо тури ва миқдорини ҳам нисбатан тўлиқ ва муфассал таърифлайдики, бу айбдорнинг ҳаракатларини юқорида зикр этилган нормаларнинг идеал жами бўйича квалификация қилинишига зарурат қолдирмайди.

Шу ўринда модомики, махсус норма барча ҳолларда қўлланиши лозим экан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддасининг амал қилиш доираси қандай бўлади? деган ўринли савол туғилади.

Мазкур модда содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш махсус нормада назарда тутилмаган ҳоллардагина қўлланади. Масалан, мансабдор шахс фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузишда ифодаланган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари махсус норма – Ўзбекистон Республикаси ЖК 142-моддаси бўйича квалификация қилинади. Агар мансабдор шахс ҳомиладор ёки ёш болани парвариш қилаётган аёлнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузишда ифодаланган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 148-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилади, чунки жиноят қонунида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг мазкур тури учун жавобгарлик назарда тутилган махсус норма мавжуддир.

Бинобарин, ЖКда 205-модданинг мавжудлиги шу билан белгиланадики, у ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг махсус нормаларда назарда тутилмаган турларини жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган қоида универсал бўлиб, махсус субъектли жиноятларда умумий ва махсус нормаларнинг рақобати билан боғлиқ барча ҳолатларга нисбатан татбиқ этилиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” деб номланган XV бобида умумий мансабдорлик жиноятлари жамланган (ЖК 205, 206, 207, 208, 209, 210-моддалари).

Шу билан бир қаторда, ЖК Махсус қисмининг бошқа бобларида ҳам фақат мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ва давлат аппаратининг фаолиятига зиён етказадиган жиноятлар билан боғлиқ бир қанча нормалар мавжуд (масалан, ЖК 156, 175, 179-моддалари). Умумий ва махсус нормалар рақобатлашган ҳолларда (нормалар рақобатида) махсус норма қўлланиши жиноят ҳуқуқида умумий эътироф этилган.

Шундай қилиб, нормалар рақобати билан жиноятлар мажмуининг фарқи шундаки, жиноятлар мажмуида уни ташкил қилувчи қилмишлар, уларни битта ягона жиноятга киритишга имкон берадиган белгиларга эга бўлмайди. Жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи жиноят таркиблари ўз мазмунига кўра ҳар хил бўлиб, бири бошқасидан келиб чиқмайди, бири бошқасининг хусусий кўриниши бўлмайди, худди шунингдек, ушбу нормалар белгиларининг ўзаро кесишиш ёки мос келиш ҳолатлари кузатилмайди. Унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш учун қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаси билан квалификация қилишга тўғри келади. Рақобатлашаётган нормалар эса бир биридан келиб чиқади, бири бошқасининг хусусий кўриниши бўлади. Шундай қилиб мазкур институтларни фарқлайдиган белгилар шундан иборатки, нормалар рақобатида қилмиш битта норма билан, жиноятлар мажмуида эса икки ёки ундан ортиқ норма билан квалификация қилинади,

шунингдек нормалар рақобатида битта жиноят, жиноятлар мажмуида эса икки ёки ундан ортиқ жиноят таркиби мавжуд бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят-хуқуқий нормалар рақобати қуйидаги хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради, яъни *биринчидан*, рақобат аниқ иш ҳолати муносабати билан пайдо бўлади, *иккинчидан* эса рақобатга киришадиган нормалар ўртасида қарама-қаршилик эмас, балки фарқ мавжуд бўлади холос.

Жиноят-хуқуқий нормалар рақобатининг яна бир хусусияти рақобатга киришувчи моддаларнинг ижтимоий муносабатни тартибга солиш кўлами ва мазмунига кўра фарқланишида намоён бўлади. Рақобатлашаётган нормалардан фақат биттасигина содир қилинган жиноятнинг хуқуқий табиатини бошқасига қараганда тўғрироқ ва тўлиқроқ акс эттиради. Шунинг учун ушбу нормалар кўлами ва мазмунига кўра бир-бирига қисман мос келади холос. Агар улар тўлиқ мос келганда эди, улар ўртасида нормалар рақобати пайдо бўлмас эди.

Жиноят-хуқуқий нормалар рақобатининг кейинги хусусияти шундан иборатки, рақобатга киришаётган нормалар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, битта жиноят-хуқуқий муносабатни тартибга солади, улардан бирортаси бошқасига қараганда ортиқроқ юридик кучга эга бўлмайди. Рақобатлашаётган нормалардан бири бекор бўлган тақдирда тегишли ижтимоий муносабат бошқа норма билан тартибга солинаверади. Яъни мазкур нормалар биргаликда қандай вазифани бажарса, уларнинг ҳар бири алоҳида бўлганда ҳам шу вазифани бажаради. Рақобатнинг мазкур хусусияти бўйича С.В.Сауляк қонунчиликда жиний қилмишга қўллаш учун бир хил даражада яроқли бўлган нормаларнинг мавжуд бўлиши ҳақида гапирди [13]. Шу муносабат билан юридик адабиётда нормалар ўртасида рақобат муносабати пайдо бўлиши ёки пайдо бўлмаслигини аниқлашда қуйидаги усулни татбиқ қилиш тавсия қилинади: бунда иккита нормадан бири жиноят қонунида мавжуд эмас деб ҳисобланган тақдирда, агар мазкур муносабат нормаларнинг бошқаси билан тартибга солинаверса, нормалар рақобати пайдо бўлиши мумкин ва аксинча [14].

Ўз навбатида, юридик адабиётда юқорида кўрсатилган қоиданинг нисбийлиги ҳам қайд этилади. Чунки махсус норма бекор қилинса, тегишли ижтимоий муносабат умумий норма билан тартибга солинади, лекин умумий норма бекор қилинса, қўриқланаётган муносабатларни ҳар доим ҳам махсус норма билан тартибга солиш имконияти бўлавермаслиги мумкин [15].

Юқоридаги таҳлиллар бизга жиноят-хуқуқий нормалар рақобатига қуйидагича таъриф беришга имкон беради:

Жиноят-хуқуқий нормалар рақобати – қилмишда бир жиноят-хуқуқий муносабатни тартибга соладиган, бир-бирига зид бўлмаган, тенг юридик кучга эга бўлган, тартибга солиш кўлами ёки мазмуни билан фарқланадиган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг аломатлари мавжудлиги бўлиб, унда битта нормага устунлик берилади.

Жиноятни квалификация қилиш ҳар доим жиноят қонунининг бирор нормасини танлаш ва уни қўллаш билан боғлиқ бўлади. Квалификация натижасида қилмишнинг белгилари билан конкрет жиноят таркиби белгилари ўртасидаги мувофиқлик аниқланади. Ўз навбатида, нормалар рақобатининг моҳиятида ҳам икки ёки ундан ортиқ нормалар ичидан, содир этилган жиноятнинг барча белгиларини ўзида аниқ акс эттирган нормани танлаш келиб чиқади. Шу билан бирга, ушбу тушунчалар ўртасидаги нисбатни белгилашда нормалар рақобатининг нафақат жиноятни квалификация қилишда, балки қонунни қўллаш амалиётининг бошқа турларида (масалан жазо тайинлаш ёки жазони ўташдан озод қилишда) ҳам мавжуд бўлишини таъкидлаш жоиз [16].

Юқоридаги тушунчаларни умумлаштириб, *қилмишни жиноят хуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш деганда*, қонунни қўллаш жараёнида содир қилинган қилмишнинг белгилари билан конкрет жиноят таркиби белгилари ўртасидаги мувофиқликни аниқлаш бўлиб, унда бир жиноят-хуқуқий муносабатни тартибга соладиган, бир-бирига зид бўлмаган, тенг юридик кучга эга бўлган, тартибга солиш кўлами ва мазмуни билан

фаркланадиган рақобатлашаётган жиноят-ҳуқуқий нормалардан биттасига устунлик берилиши тушунилади.

Нормалар рақобати фақат конкрет ҳолатларда мавжуд бўлиши мумкин. Шунга қарамай, мазкур ҳолат рақобатнинг таснифи ва турларига нисбатан бир хил фикрнинг шаклланишига олиб келмаган. Юридик адабиётда жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг таснифи ва турларига нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Л.В.Иногамова-Хегай жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатини жиноят-ҳуқуқий муносабатни қайси босқичда тартибга солиш вақтига қараб нормалар рақобатини турларга бўлади:

а) *жиноятларни квалификация қилишда вужудга келадиган нормалар рақобати;*

б) *жазо тайинлашда нормалар рақобати;*

в) *жиноий жавобгарликдан озод қилишда нормалар рақобати;*

г) *жазодан озод қилиш, судланганлик ҳолатининг тугаллиниши ва олиб ташланишида вужудга келадиган нормалар* [17].

Ўз навбатида, жиноятларни квалификация қилишда вужудга келадиган нормалар рақобати бошқа асосларга кўра ҳам бир неча турларга бўлинади.

У.Ш.Холикулов назария ва суд тергов амалиётида квалификация қуйидаги ҳар хил турда рақобатлинишни кўрсатади: 1) умумий ва махсус нормалар рақобати; 2) тўлиқ ва қисман бўлган рақобатлар [18].

В.Н.Кудрявцев ҳам жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг икки турини умумий ва махсус нормалар ҳамда бутун ва қисм нормалар рақобатини ажратиб кўрсатади [19]. Муаллиф махсус нормалар рақобатини умумий ва махсус нормалар рақобати тури доирасида ўрганган.

“Жиноят ҳуқуқи” Умумий қисми дарслиги муаллифлари эса бундай таснифлашга қўшилмасдан фақатгина умумий ва махсус ҳамда махсус нормалар ўртасидаги рақобат турини фарқлайдилар холос [20]. Бу масалада Б.А.Куринов ҳам шу позицияда туради [21].

Айтилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, юридик адабиётда жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг асосан икки тури яъни умумий ва махсус, ҳамда махсус турлари кўпчилик муаллифлар томонидан алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Бутун ва қисм нормалари рақобати эса кўрсатилмайди ёки рад этилади. Чунончи, К.С.Хахулинанинг фикрича, жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг асосий хусусияти, рақобатлашаётган нормаларнинг айнан бир масалани тартибга солишга қаратилганидан келиб чиқади. Бутун ва қисм нормалари муносабатида эса, бу нормалар ҳар хил масалани ҳар қилишга мўлжалланган бўлади. Шу сабабли бундай ҳолатда нормалар рақобати эмас, балки ўхшаш таркибли жиноятларни бир-биридан фарқлаш ҳақида гап боради [22].

С.Найимов эса, бу ҳолатда ноаниқликка йўл қўйилганлигини айтади. У чунки жиноят қонунида назарда тутилган қилмишларнинг қатор белгилари мос келиб, таркиблар фақат битта белги билан фарқлансагина ўхшаш таркибли жиноятлар ҳақида гапириш мумкинлигини айтади [23]. “Ўхшаш таркибли жиноятларда бир жиноят таркиби бошқасида мавжуд бўлмаган белгига, бошқа таркиб эса биринчисида мавжуд бўлмаган белгига эга бўлади” [24]. Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида эса рақобатга киришаётган бир норма (бутун норма) бошқасида (қисм нормада) мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган белгиларга эга бўлади, иккинчи норма эса биринчисида мавжуд бўлмаган белгига эга бўлмайди.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб Жиноят ҳуқуқи назариясида бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмишни содир этган шахс эксцесс иштирокчи деб топиллиши, шунингдек, эксцесс иштирокчи томонидан содир этилган бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун унинг ўзи жавобгар бўлиши тушунтирилсада, бироқ мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўз аксини топмаган. Мазкур қоида айрим МДХ давлатлари, хусусан, РФ (36-м.), Қозоғистон (30-м.), Молдова (48-м.), Озарбайжон (35-м.), Грузия (26-м.) ва Арманистон (40-м.) Республикалари Жиноят кодексларида ўз аксини топган. Шу жиҳатдан Жиноят кодексининг 27<sup>1</sup>-моддасида “эксцесс бажарувчи” тушунчаси мазмунини ёритувчи норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари / Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2007. – Б. 15. (Nayimov S.S. Theoretical and practical issues of qualification of the act in the competition of criminal legal norms / dissertation written to obtain the degree of candidate of Legal Sciences.- Tashkent: 2007. – P. 15.)
2. Герцензон А.А. Квалификация преступлений. - М.: 1997. С.21. (Herzenzon A.A. Qualification of crimes. - М.: 1997. -P.21.)
3. Кабулов Р. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Р.Қабулов, А.А.Отажанов, И.А.Соттиев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 – Б. 229. (Kabulov R. Qualification of crimes: textbook for higher educational institutions of the IIV / R.Kabylov, A.A.Otajanov, I.A.Sattiev et al. - Tashkent: Kyiv Academy of the Republic of Uzbekistan, 2012-В. 229.)
4. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув кўлланма. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 53. (Irkakhodzhaev A.K., Holikulov U.Sh.scientific basis for qualifying crimes. Tutorial. - Tashkent: tdyui publishing house, 2007. – P. 53.)
5. Малков В.П. Совокупность преступлений. – Казань: Казанск. ун-т., 1994. - С.178. (Malkov V.P. The totality of crimes. – Kazan: Kazansk. Univ., 1994. - P.178.)
6. Кудрявцев В.Н. Теоретические основы квалификации преступлений. - М.: Юрид. наук, 1963. - С.243. (Kudryavtsev V.N. Theoretical foundations of the qualification of crimes. - М.: Yurid. nauk, 1963. - p.243.)
7. Пинчук В.И. Квалификация преступлений при их совокупности: конспект лекций.- Ленинград., 1988.- С.42. (Pinchuk V.I. Qualification of crimes in their totality: lecture notes.- Leningrad., 1988.- p.42.)
8. Наумов А.В. Применение уголовно-правовых норм. – Волгоград: Высш. шк. МВД., 1973. - С.122. (Naumov A.V. Application of criminal law norms. – Volgograd: Higher School of the Ministry of Internal Affairs, 1973. - p.122.)
9. Караев Т.Э. Повторность преступлений. – Москва: Юрид. лит., 1983. – С. 89. (Karaev T.E. Repetition of crimes. – Moscow: Yurid. lit., 1983. – p. 89.)
10. Шакин В.Б. Конкуренция и коллизия уголовно-правовых норм // Сибирский юридический вестник. - 2001. - № 1. - С.17-19. (Shakin V.B. Competition and conflict of criminal law norms // Siberian Legal Bulletin. - 2001. - No. 1. - pp.17-19.)
11. Юридик атамалар ва иборалар луғати / Ғ.Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Адолат, 1993. – Б. 52. (Dictionary of legal terms and phrases / G'.Under Ahmedov Ed. - Т.: Justice, 1993. – В. 52.)
12. Юридик энциклопедия / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарқ,, 2001. - 233 б. (Legal encyclopedia / u.Under the general editorship of tadjhikhanov. - Т.: East,, 2001. –P 233)
13. Сауляк С.Ф. Проблема конкуренции уголовно-правовых норм: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Москва, 1990. С.9. (Saulyak S.F. The problem of competition of criminal law norms: Abstract. diss... cand. jurid. sciences'. – Moscow, 1990. p.9.)
14. Горелик А.С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Учеб. пособие. Краснояр.гос.ун-т. - Красноярск, 1998. - С.18. (Gorelik A.S. Competition of criminal law norms. Study guide. Krasnoyar.state un-T. - Krasnoyarsk, 1998. - p.18.)
15. Качурин Д.В. О конкуренции уголовно-правовых норм // Российский судья. - 2002. - №11. - С.13. (Kachurin D.V. On the competition of criminal law norms // Russian judge. - 2002. - No.11. - p.13.)
16. Иногамова Хегай Л.В. Конкуренция норм об освобождении от наказания // Государство и право. - 2000. – №2. – С. 57-64. (Inogamova Hegai L.V. Competition of norms on exemption

- from punishment // State and law. - 2000. – No. 2. – pp. 57-64.)
17. Иногамова-Хегай Л.В. Конкуренция уголовно-правовых норм при квалификации преступлений. Учебное пособие. – Москва: Инфра-М, 2002. - С. 26. (Inogamova-Hegai L.V. Competition of criminal law norms in the qualification of crimes. Study guide. – Moscow: Infra-M, 2002. - p. 26.)
  18. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 53. (Irkakhodzhaev A.K., Holikulov U.Sh.scientific basis for qualifying crimes. Tutorial. - Tashkent: tdyui publishing house, 2007. – P. 53.)
  19. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. - М.: Госюриздат, 1963. - С.246. (Kudryavtsev V.N. General theory of qualification of crimes. - M.: Gosyurizdat, 1963. - P.246.)
  20. Кузнецова Н.Ф. Тяжкова И.М. Курс уголовного права. Общая часть. – Москва: Зерцало, 1999. - С.530-531. (Kuznetsova N.F. Tyazhkova I.M. Course of criminal law. The general part. – Moscow: Zertsalo, 1999. - pp.530-531.)
  21. Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. Москва: Юриздат., 1976. - С.175. (Kurinov B.A. Scientific bases of qualification of crimes. Moscow: Yurizdat., 1976. - P.175.)
  22. Хахулина К.С. Понятие конкуренции уголовно-правовых норм // Сб. асп. работ. Обществ. науки. Право. Казань, 1976, С.35. (Khakhulina K.S. The concept of competition of criminal law norms // Collection of asp. works. Societies. science. Right. Kazan, 1976, p.35.)
  23. Найимов С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари: Юрид. фан. номз. дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 40. (Nayimov S. Theoretical and practical issues of qualifying an act in the competition of criminal legal norms: dissertation for obtaining PhD.- Tashkent: TSIL, 2007. – P. 40.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000